O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Қонун – ҳам қилич, ҳам қалқондир!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 йил 1 август, сешанба | № 31 (183) | Сотувда эркин нархда





*Мустақиллигимизнинг 9 йиллигига 30 кун қолди*

## "ВАТАНИМИЗНИНГ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ИШОНЧИНИ ОҚЛАЙМИЗ"

**Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён спортнинг барча турлари бўйича ҳамюртларимиз қўлга киритган ғалабалар жаҳон спорт ишқибозлари ўртасида Ватанимизнинг нуфузини ошириб юборди.**
**Мамлакатда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва Ўзбекистон спортчиларининг Сидней шаҳри (Австралия)даги XXVII Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этишларини рағбатлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини мустаҳкамлашда, ёш авлодни миллий ғурур ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек спортчилари эришган ютуқларнинг ғоят катта аҳамияти эътиборга моликдир.**

4-бет

## ОГОҲЛИК ҚОҒОЗДА КЕЧМАСИН

*Истиқлолнинг уч таянчи*

***Истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз: "Ўтаётган ҳар кунимиз мустақиллик дарси бўлсин!" деб бежиз айтмаган эдилар. Чунки биз мустабид тузум жабрини тортганлар озодликдек устувор мавқедан жуда олислаб кетган эдик, озодликнинг пешонаси симтўсиқларга теккан, қўл-оёғи боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам Истиқлолнинг ҳар бир куни қадрига етиб яшашимиз, бусиз барча орзу-умидларимиз рўё, хавф-хатар кутилмаганда чанг солиб, эришган ғалабаларимизни тортиб олишга шайланиб турганлигини теран англашимиз лозим эди.***

Мустақиллик бизни эмас, биз мустақилликни ҳимоя қилайлик, деган даъватни юрагимизга ёзиб яшашимиз шарт эди. Маълумки, бунга эришмоқнинг асосий шарти огоҳлик!

Ўтган қисқа фурсат — 16 феврал воқеалари ҳаммамизнинг иродамизни, ватанпарварлигимизни илк бор синовдан ўтказди, назаримда. Огоҳлик бир киши учун эмас, бутун мамлакатга — халққа керак. Оғирми-енгилми ўтаётган ҳар кунидан яхшилик кутадиган халқимизнинг содда, тоза юрагида ёмонлик, ғараз унмайди. Шунинг учун ҳам у мустақилликнинг умрбоқийлигига ишонди, барча оғирликларни ўз елкасига олган садоқатли Президентига ишонди ва ҳамон ишонади.



Элимизнинг барча фазилатларини билган, қадрлаган ҳолда ҳар биримизнинг огоҳликка жавобимиз — овозимиз, амалий ишимиз бўлиши шарт, буларсиз биз ҳеч ким — озодликка эл бўлолмаймиз, томошабиндан фарқимиз қолмайди.

Огоҳликка даъват! Ушбу сўз замиридаги маъно-мазмунни оддий фуқаро тушуниб турганида, баъзи раҳбарларнинг бефарқлиги, масъулиятни сезмаслиги жиноят эмасми? Туманда қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, маҳалла посбонларининг фаоллиги, масала моҳиятини нечоғли тушуниши ва тезкорлигини синаш мақсадида ички ишлар бўлими улардан огоҳликка даъват борасида ёзма маълумотномалар талаб қилди. Йўқса, биз ким, нима иш қилаяпти — қайдан биламиз. Кимнинг (айниқса, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, маҳалла посбонларининг) лаёқати нимага етади, бу ҳам бизга номаълум. Натижа кутганимиздек чиқди. Осойишталик учун, халқнинг тинчлиги, аҳиллиги учун жон куйдириб, астойдил ишлаётганларнинг ҳаракати маълумотномаларда ҳам ўз аксини топди. Раисликни оғизда бажариб, огоҳликни на ҳаётда, на қоғозда ҳис қилолмайдиганларнинг юзи, иши сўровдан сўнг тезда ошкор бўлди.

Туман ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда ишлаш, огоҳликка даъват нима эканини билмайдиган, тушунмайдиган раислар анча-мунча эканлиги бизни ранжитди. Мисол: "Боғиафзал" қишлоқ фуқаролар йиғини (раиси Ҳ.Амонов ва маҳалла посбони С.Амонов)нинг атиги бир бетдан иборат ёзма ахбороти туман ички ишлар бўлимининг синов ва аниқлаш тадбиридан қутулиш учунгина ёзилганлиги кўриниб турибди. Бизнинг диний экстремизмга қарши кураш ва огоҳликка даъват борасида (аҳоли ўртасида) олиб борилаётган ишлар, белгиланган режалар ҳақидаги саволларимизга деярли жавоб йўқ, бор бўлса-да, юзаки. Бир бет қоғоз манзил, сарлавҳа, аҳоли ва мактаблар сони ҳамда 2000 йилнинг ярим йиллигида аҳолига неча сўм пул тарқатилганлиги, имзолар билан тўлғазилган. Бу нимаси ахир? Наҳотки 10285 нафар аҳоли яшайдиган ҳудуднинг жавобгар раҳбари гап нима ҳақида кетаётганини билмаса, тушунмаса? Бу-ку аён гап. Хўш, раис, маҳалла посбони, бошқалар бирлашиб нима иш қилишди, ўзлари бош бўлиб, ташаббус кўрсатиб қандай тадбирлар ўтказишди?

Агар кишининг тафаккури эскирса, билингки, у ўтмаслашади. Бугун раҳбарга осон эмас, у ҳар томонлама чиниққан, ҳар нарсага қодир, қисқаси, бутун вужуди билан мустақилликни ҳис қиладиган, унга садоқат билан ҳушёр хизмат қилишга ярайдиган бўлиши керак. Туманда масъулиятли тадбирларни теран англамайдиган, топшириқни шунчаки рўйхатдан ўтиш қабилида юзаки бажарадиган қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғини раислари оз эмас. Огоҳликка даъват — ҳушёрликни таъминлаш ҳақида гап кетса: "Бизнинг ҳудудда масжид йўқ, мулла йўқ..." каби сувга ботмас важлар билан "ишлайдиган"лар ҳам топилади. Бу кабилар раҳбарликнинг эски қолипига шу қадар маҳкам ўрнашганки, уларни фақат соғлом, янгича тафаккургина силжита олади. Шундагина улар ўз ўринлари қаердалигини билсалар, топсалар ажаб эмас.

Огоҳлик, тинчлик, аҳилликнинг баҳоси бир кило, ўн кило, бир тонна буғдой ёки пахта билан ўлчанмайди.

Огоҳлик, тинчлик, аҳиллик! Булар мустақилликнинг мустаҳкам уч таянчи. Бу борада туман ички ишлар бўлими ходимлари ҳамиша ҳушёр ва собитдирлар. Улар ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқаришга қаратилган ҳар бир ҳаракатнинг пайини қирқишга астойдил шай, аниқ режаларга эга. Туманга қурол-яроғ, ўқдори ва бошқа ноқонуний нарсалар олиб киришга йўл қўймаслик, туман ҳудудидан бошқа вилоятларга иш, тижорат, ўқиш ҳамда номаълум сабабларга кўра вилоят ва республикамиздан ташқарига кетган фуқаролар билан профилактик излов ишларини йўлга қўйиш, уларнинг нима мақсадда кетганлигини аниқлаш, паспорт қоидаларига қатъий амал қилишни таъминлаш, экстремистик ғояларни тарғиб қилувчи адабиётлар кириб келишининг олдини олиш, бундай адабиётларни сотувчи, варақалар тарқатувчи шахсларни аниқлаш, уюшган жиноий гуруҳлар вақтинча яшаш ёки қурол тўплаши мумкин бўлган жойларни текшириш каби тадбирларни аниқ, сифатли ўтказиш учун бир неча гуруҳлар тузганмиз. Айни пайтда учта гуруҳ (раҳбарлари милиция подполковниги И.Нормуродов, милиция майори И.Нурмуродов, милиция майори Ф.Фаттоев) Денов, Дўрмон, Жўйрабод, Тезгузар, Чандир, Ш.Ҳамроев, Жўйнав, Искогаре, Вардонзе, "Боғиафзал", Султон Жўра, "Қалмоқон" қишлоқ фуқаролар йиғини, Шофиркон шаҳри ва "Саврак" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида иш олиб бораяптилар. Тадбирлар давомида жами 20816 та хонадон текширувдан ўтди: доимий яшаш жойидан чиқиб кетган ва ҳозир қаерда яшаётгани ноаниқ 8 нафар шахс, яшаш жойидан бошқа вилоят ва мамлакатимиздан ташқарига кетган (яшаш жойи номаълум) 4 нафар, республикамиздан четга ишлаш учун кетган (турар жойи аниқ) 245 нафар шахс, ўқиш учун кетган 209 нафар фуқаро ва 10 нафар ҳамюртларимиз бошқа давлатларда ўқиётганлиги аниқланди. Бундан ташқари туманимиз ҳудудига бошқа жойлардан келиб, ноқонуний яшаётган 2 нафар шахс ва 9 та бўш хонадон рўйхатга олинди. Сабабли-сабабсиз чиқиб кетганларнинг ҳар бирига йиғма жилдлар очилиб, улар билан профилактик иш олиб бориш милиция участка вакиллари ва террорга қарши кураш бўйича тузилган гуруҳ ҳамда жиноят қидирув вакиллари зиммасига юклатилган.

Аниқ тадбир билан ишлаш ҳамиша қўл келади. Режаси, тадбири, юрагида ватанга муҳаббати, ишга иштиёқи бўлмаган кишилар баҳона излайди, зиммасидаги юкни бировга ташлайди. Биз бундайлар билан ҳам (хоҳ раҳбар, хоҳ оддий фуқаро бўлсин) курашишга тайёрмиз, зеро, мустақилликнинг асосий шартларидан бири огоҳликдир.

**Ҳ.ЧОРИЕВ,**
**Шофиркон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори**

## ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА, ХАВФУ ХАТАР ЙЎҚ...

*Осойишталигимиз посбонлари*

"Йигитлар халқларнинг мақтови, кўрки" деб ёзганди академик шоиримиз Ғафур Ғулом. Халқнинг мақтовига эришиб, унинг кўркига айланган йигитларимиз Қашқадарё вилоятида ҳам бисёр. Вилоят ИИБ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бошқармаси ходимлари давлат, жамоат ва фуқаролар мулкларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиб, Ватанимиз равнақига, юртимиз истиқболига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ушбу бошқарма жамоаси милиция полковниги Абдураим Ибодов бошчилигида меҳнатни янгича ёндашув асосида ташкил этаётгани учун жорий йилнинг II чорагида жойлардаги тизимлар томонидан қўриқланаётган иншоотлар ва фуқаролар хонадонларида биронта ҳам ўғирлик содир этилмаганини қувончли ҳол деб баҳолаш мумкин.

Ходимлар томонидан жиноят содир этганликда гумон қилиниб, шаҳар ва туман ИИБнинг навбатчилик қисмларига келтирилган 130 нафар шахснинг 99 тасига нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Қўриқлаш бошқармаси ходимлари томонидан ИИБга келтирилган маъмурий ҳуқуқбузарликка йўл қўйган шахслар сони 2000 йилнинг 2-чорагида ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 188 тага кўпайган.

Бошқарманинг майда ташмачиликка қарши кураш бўлинмаси ходимлари томонидан бир неча юзта майда ташмачилик қилган шахслар қўлга олиниб, ундирилган моддий товар бойликлар ташкилот ва муассасаларга қайтарилди. Шунингдек, 1218 та ҳужжат судларга юборилиб, ташмачи жиноятчиларга 1 миллион 558 минг 300 сўм жарима солинган.

Мустақиллигимиз байрамини муносиб кутиб олишга қизғин тайёрланаётган осойишталигимиз посбонлари халқ хўжалиги ташкилотлари жамоалари билан 2-чорак давомида 824 та суҳбат ўтказдилар. Қонун руҳи устувор бўлган корхоналарда юксалиш содир бўлиши, режа ва умидлар осмон қадар бўй чўзиши ҳеч кимга сир эмас. 2000 йилнинг иккинчи чорагида қўриқланаётган жами иншоотлар сони 2 мингдан ошди.

Маълумки, қўриқлаш бўлинмасида хизматда бўлган милиция ходимининг ҳушёрлиги, сезгирлиги жамоатчиликнинг, аҳолининг хотиржам турмуш кечиришларига сабаб бўлади. Ана шундай ҳушёр милиционерлардан бири кичик сержант Ўрол Ҳайдаровдир.

18 июн куни соат 9 ларда Қарши шаҳрининг Мурод Хўжаев кўчасида Тожиева Мукаррам исмли аёлнинг бўйнидаги тилло занжирни шахси номаълум бир йигит шарт узиб олиб қочади. Шу пайтда воқеа жойида бўлган милиция ходими Ўрол Ҳайдаров ўзини йўқотмай, ўғрини ушлаб, ички ишлар бўлимига олиб келади.

Шунингдек, вилоятнинг Чироқчи, Муборак, Қарши ва бошқа туманлари ИИБ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бўлинмаси ходимлари жиноятлар изини текшириш, жиноятнинг олдини олишда фаол ҳаракат қилишиб, мамлакатимизда қонун устуворлигига эришиш йўлида дадил хизмат қилмоқдалар.

Шоир айтганидек:

*Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ,*
*Қалқон бор, қалъа бут, қўрғон саломат.*

**Азамат ТОВБОЕВ,**
**журналист**

## ЗИЁЛИ ЁШЛАР - ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

**Ислом КАРИМОВ**



Бугун Олий ўқув юртларида синовлар бошланди.

*Соғлом авлод йили*

## ТИНИБ-ТИНЧИМАГАН ОДАМЛАР

***Яқинда Хоразм вилояти ҳокимлиги воҳада иш кўраётган республика оммавий ахборот воситалари вакиллари билан маслаҳат кенгаши ўтказди. Шундай ҳамкасблардан бири ўрнидан туриб, дабдурустдан ҳоким муовини Ботиржон Раҳимовга "Соғлом авлод йили муносабати билан тадбирларни ниҳоятда кўп ўтказмаяпсизмикан? Баъзан қилинаётган ишларни ёзиш-ёритишга ҳам улгуролмай қолаяпмиз. Ҳатто анжуман-тадбирларнинг ўзида қатнашишга ҳам баъзида вақт тиғизлик қилади", деб қолди.***

Ҳоким ўринбосари яримҳазил-ярим чин маънода айтилган бу сўзга албатта, ҳазиломуз оҳангда, аммо таг-заминли жавоб қайтардики, ҳозир бўлган журналистлар "Соғлом авлод йили" муносабати билан уюштирилаётган тадбирлар газета ёки журналда кўз-кўз қилиш учун эмас, балки том маънодаги баркамол авлодни камолга етказиш, истиқбол ва истиқлолимизни улар қўлига дадил ишониб топшириш учун ўтказилаётганлигини дилдан идрок этишди. Шу аснода у киши анжуман иштирокчиларининг барини эртага — якшанба куни мириқиб ҳордиқ чиқариш мумкин бўлган яна бир қўша маросимга лутфан таклиф этди.

Тиниб-тинчимаган одамлар ҳаётда нималарни ўйлаб топишмайди, дейсиз? Қаламкашлар ҳоким муовинининг таклифини қабул қилиб хато қилишмаганлигини эртасига Янгибозор туманига уюштирилган сафарнинг дастлабки онлариданоқ чуқур англашди.

...Тумандаги "Хоразм" жамоа хўжалиги маданият саройи 13-14 яшар ўсмирларнинг "жанги" қизигандан-қизияпти. Бир-бировни аяш йўқ. Гўёки, ҳаёт-мамот жанги кетаяпти. Мана, навбатдаги олишув ниҳоясига етди. Яна бир сониядан сўнг ҳакам олишувда қатнашган иккала ўсмирдан бирининг қўлини юқори кўтарди. Ҳали она сути оғзидан кетмаган ўспиринмасми, енгилганидан хўрлиги келиб, ўзини йиғидан тиёлмади. Чамаси, у жангда чакки қатнашмаганди.

- Профессионалларнинг баъзи "жанги"дан зерикиб кетасан, киши. Бу ерда эса унинг аксику? - деди завқ билан ҳайратини яширолмаган ҳамкасбларимиздан бири.

- Ҳоким муовинининг мириқиб дам оласиз, дегани шу-да, - жавоб қилди унга бошқаси.

Қаламқашлар шу куни бошқа ишқибозлар (улар зални тўлдириб ўтиришарди) сингари роса ҳордиқ чиқаришди. Иккинчи жаҳон урушининг янгибозорлик қатнашчиси Тожибой ота Оқмоновнинг хотираси учун ҳомийлар: "Жўрахон", "Насиба", "Эломон", "Гултож-сервис" хусусий фирмалари соврינлари учун ўтказилган ажойиб бокс мусобақаси ёши 70-80 ни қоралаган чоллар, кампирларни ҳам бефарқ қолдирмади.

(Давоми 2-бетда)

Газетада босилмаса ҳам...

## ЧОРА КЎРИЛДИ

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси Одилов Асадуллонинг таҳририятга юборган суд қарори ижро қилинмаётганлиги ҳақидаги шикояти юзасидан текшириш ўтказди.

Аниқланишича, Қарши туман судининг 2000 йил 24 март қарори билан даъвогар А.Одиловнинг даъвоси қаноатлантирилиб, Таллимаржон ГРЭС Қурилиш УЖХК бошлиғи лавозимига ишга тиклаш, мажбуран бекор юрган вақти учун 112644 сўм иш ҳақи, маънавий зарар учун 20000 сўм миқдорида компенсация ва адвокатга кетган харажатлар учун 40000 сўм, жами 172644 сўм ундиришлик белгиланган. Ушбу қарор устидан Таллимаржон ГРЭС Қурилиш дирекциясининг кассация шикояти Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари судлов ҳайъатида кўрилиб, қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Шу боис маъмуриятнинг 2000 йил 30 мартдаги буйруғи билан А.Одилов ўз лавозимига тикланган. 172644 сўмни ундириш ҳақида ижро варақа чиқарилиб, ижрога қаратилган ва 2000 йил 4 июлда суд қарори тўлиқ ижро қилинган.

**Ғайбулла САФАРОВ,**
**Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг бошлиғи**

## МИННАТДОРМАН

***Сизларга, ҳурматли таҳририят, қилган мурожаатимдан сўнг тез орада барча муаммоларим тезкорлик билан ҳал этилди, ишга тикландим, барча тўловларни олдим. Адолатга ишондим. Сизлардан ва адлия-суд идораларидан миннатдорман.***

**Асадулла ОДИЛОВ**

